

Абу али Ибн Сино ва замонавий фармацевтикада инновациялар IV халқаро илмий-амалий анжуман мақолалар тўплами. Тошкент, 2021.

**Ҳамид НАЙЙИРОБОДИЙ**  
**Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги**  
**Фавқулодда ва Мухтор элчиси**

*Бисмиллоҳир-рахмонир-рахим*

## **ИБН СИНО – ФАЙЛАСУФ ТАБИБ ВА ШОИР АСТРОНОМ**

Ўз даврининг тиббиёт, математика, астрономия, физика, химия, география, геология, мантиқ, фалсафа, шеърят ва форс адабиёти каби билимларини чуқур эгаллаган атоқли файласуф ва буюк энциклопедист Шайхурраис Абу Али Сино ҳижрий-қамарий IV-V (милодий X-XI) асрларда Эрон ва Мовароуннаҳр ҳудудларида юз берган тафаккур, ақл ва билим равнақи даврининг энг машҳур шахсларидан бирига айланди.

У фалсафа ва мантиқ соҳасида юнон мактаби қарашларини ривожлантириш ва уларни ислом динига мослаштириш орқали янги мактабга асос солди. Ибн Синонинг фалсафий асарлари, хусусан «Шифо» китоби дунёнинг кўплаб буюк файласуфлари учун билим ва илҳом манбаси бўлиб хизмат қилган. Европаликлар унга «Ислом Аристотели» деб ном беришган.

Ҳақим Ибн Сино, шунингдек, жаҳон тиббиётининг энг таниқли сиймоларидан бири ҳисобланади. Табиб Ибн Синонинг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг тери ва ўпка касалликларидан тортиб асаб тизимидаги бузилишлар ва руҳий касалликларгача бўлган турли касалликлар бўйича клиник тадқиқотлар амалга оширганлигидир. Унинг тиббиёт соҳасида яратган энг муҳим асари «Тиб қонунлари» китоби бўлиб, бир неча асрлар давомида Европа ва ислом мамлакатларида тиббиётга оид барча асарларни ўз сояси остида қолдириб келди.

Ибн Сино «Тиб қонунлари»да ўзи яшаган даврда мавжуд бўлган барча тиббий билимларни жамлаштириб, уларни бир тартибга солган. У турли, жумладан, Юнонистон, Миср, Эрон, Ҳиндистон, Тибет ва Хитой тиббиёт тизимларини ўрганиб, шу хулосага келдики, уларнинг барчаси айрим ташқи тафовутларни ҳисобга олмаганда, ўхшаш клиник мавзулар ва реалликларга дуч келганлар. Уларнинг барчаси кайфият, хулқ-атвор, хушчақчақлик, ғайрат каби тушунчалардан ташқари тана тузилиши ва фаолияти ёхуд анатомия ва физиология борасида ўхшаш қарашларга эга бўлишган.

Абу Али Сино вафотидан минг йил ўтганидан кейин ҳам у асос солган ғоявий ва фалсафий мактаб Эрон ва жаҳоннинг илмий доиралари эътиборини

ўзига тортиб келаётган бир буюк олимдир. Ибн Синонинг илмий ва тиббий фаолияти ҳамда ахлоқий хусусиятлари тўғрисида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Маълум бўлишича, Ибн Сино ўзига замондош бўлган йигирмадан ортиқ олим билан тўғридан-тўғри учрашиш ёки ёзишмалар олиб бориш кўринишида мулоқотда бўлган. У ўз маърузалари ва асарларида олимлар ва ўз шогирдларини барча динлар ва миллатлар вакиллари орасида мавжуд бўлган жоҳилона мутаассиблик, сохтакорлик ва иккиюзламачиликдан сақланишга чақирган.

Кўпинча унинг олдига оғир ва тузалиши қийин бўлган касалларни олиб келишар, у эса уларни даволар, қашшоқлардан хизмат ҳақи олмас, беморлар ва уларнинг йўлдошларига ўта хушмуомала ва меҳрибон бўлган.

Эрон Ислом Республикасида Абу Али Сино хотирасига бўлган ҳурмат юқори бўлиб, у илм аҳли ва оддий фуқаролар наздида буюк шахс сифатида эъзозланади. Ҳар йили эронча ҳижрий-шамсий тақвимдаги шаҳривар ойининг биринчи куни (жорий милодий 2020 йилда 22 августга тўғри келди, кўпчилик йилларда 23 августга тўғри келади) Ибн Синонинг туғилган куни, Шифокорлар куни ва Ҳамадон шаҳри (Ибн Синонинг қabri жойлашган шаҳар) куни сифатида нишонланади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, минтақа мамлакатлари, хусусан Эрон ва Ўзбекистон ушбу аллома номидаги қўшма бир тузилма ташкил этиб, унинг доирасида Ибн Синони улуғлаш, унинг қарашлари ва тутган йўлини сақлаб қолиш мақсадида қўшма дастурлар ва фестиваллар ўтказишларини таклиф қиламан.

Ижозатингиз билан ўз сўзимни Ибн Сино қаламига мансуб бўлган шеърий парча билан ниҳоясига етказсам. Ушбу шеърий парча ушбу донишманд ва тенгсиз олимнинг тафаккур ва билим осмонида порлаган бўлса-да, ўта камтар бўлганлигини кўрсатади:

*Дил гарчи дар ин бодия бисёр шитофт,  
Як мўй надошт, вале мўй шикофт.  
Андар дили ман ҳазор хўршед битофт,  
Ликан ба камоли заррае роҳ наёфт.*

Мазмуни:

*Кўнгил бу чўлда кўп елиб-югурибди,  
Бир тук сочи бўлмаса-да қилни қирқ ёрибди.  
Юрагимда мингта қуёш порласа-да,  
Камолга эришишга заррача йўл топмабди.*